ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00219

«ЎТЙ» АЖ ТЕМИР ЙЎЛ ТИЗИМИДА ТЕМИР ЙЎЛ ПОЕЗДЛАР ХАБАРЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМАГА ВАГОНЛАР БИЛАН ИШЛАШ ХАБАРЛАРИ ҚЎШИМЧАСИ

Ғиёсхўжа Арибжанович Низамов
Локомотивлардан фойдаланиш бошқармаса катта тафтишчиси
(“Ўзбекистон темир йуллари”АЖ)

Соқижон Қобилжонович Худойберганов
Транспорт ҳаракатини ташкил этиш кафедраси мудири (т.ф.н.-доцент)
(Тошкент давлат транспорт университети)

АННОТАЦИЯ

Поезд ва вагонлар билан ишлаш бўйича янгича хабарларни кўрсатиб бериш, шу хабарлар билан ишлаш жараёнини ўргатишдир. Хабарларнинг ҳаммаси бир хил, аммо жамланмасини тартиблаш ва кўрсатилмаган қисмларини кўрсатиб беришдан иборат. Тошкент транспорт университетида ўқиётган талабаларнинг кўпчилиги поездлар билан ишлаш хабарномаси ҳақида тушунчага эга эмас. Иш фаолиятини бошлашганда ёки амалиётга боришганида, улар учун бу ҳолат, яъни хабарлар мавхум тушунча бўлиб қолмоқда. Уларга қайтадан ходим бириктирилади ва поездлар билан ишлаш хабари ўргатилади. Агар ўқишни битириб борган талабага ёмон устоз тушиб қолса, у керакли маълумотлар билан ишлай олмаслиги мумкин. Бундан ташқари поездлар туриб қолиши ва юк поездлар ҳаракати графигини диспетчер ҳаракат графиги режасидан чиқариб юбориши ҳам мумкин. Шунинг учун талабаларни ўқиш жараёнида поездлар ҳаракати хабарномаси, телетайп қурилма аппаратлари билан таништириш малакали кадрлар чиқаришдаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Калит сўзлар: Вагон, хабарнома(сообўения), телетайп қурилма аппарати, поезд.

WORKING WITH RAILWAY TRAIN MESSAGES IN ‘UR’ JSC RAILWAY SYSTEM APPENDIX TO WORKING WAGON MESSAGES

Giyoskhoja Aribjanovich Nizamov
Senior inspector of Locomotive Operation
(JSC "Uzbekistan Railways")

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00219

Sokijon Kobiljonovich Khudoiberganov
Head of the Traffic Management Department (Ph.D., Associate Professor)
(Tashkent State Transport University)

ABSTRACT

To show new messages on working with trains and wagons is to teach the process of working with these messages. The messages are all the same, but the collection consists of sorting and showing the parts that are not shown. Most students at Tashkent Transport University have no idea about train notifications. For them, when they start a business or go into practice, this situation, i.e. messages, remains an abstract concept. They will be re-assigned to an employee and taught the message of working with trains. If a graduating student gets a bad teacher, he or she may not be able to work with the information he or she needs. It is also possible that trains will stop and the dispatcher will remove the freight train schedule from the schedule schedule. Therefore, one of the important directions in the production of qualified personnel is the introduction of train notifications, teletype devices in the process of studying.

Keywords: wagon, notification (soobo'eniya), teletype device, train.

КИРИШ

Поездлар ҳаракатини бошқаришда автоматик тизим қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

-бекатларда, ортиш-тушириш йўлларида, район линияларида сменна-суткалик вагонларнинг ортиш ва тушириш ишлари;

-бекатдаги поезд таркибининг ташкиллаштирилиши ва жўнатилиш режаси бўйича ишлаш;

-узелдаги ортилган, туширилган вагонлар ҳақида умумий маълумот;

-поездлар билан бекатларда ишлаш бўйича жараёнлар «натурный лист» ;

-вагонларни таъмир талаб ҳолатини билиш ва вагонларни резервга қўйиш ва резервдан олиш;

-бекатларда поездлар ташкиллаштиришни таркиб режасига асосан тузишни назорат қилиш;

-поезд таркибини тузаётганда , унинг оғирлиги ва узунлигини бошқариш;

-бекатлардаги ва темир йўлдаги умумий вагон хўжалигини назорат қилиш;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00219

-технология бўйича иш жараёнини олиб боришни назоратга олиш;

Буларнинг барчаси телетайп ёки компьютерга киритиладиган хабарлар орқали амалга оширилади ва Ҳар бир юборилган хабарга қайтиб, юборилган хабар бўйича жавоб келади. МДХ давлатларида темир йўл тизимида рус тилида иш олиб борилгани учун, поездлар билан ишлаш хабарлари рус тилида киритилади ва жавоблар ҳам рус тилида келади. Бу хабарномаларни бошқариш учун аввалом бор бекатлар рақамини билиш зарур. Бекатлар рақами 5 та рақамда кўрсатилиб, хабарларга ҳам бекатлар 5 та рақами орқали киритилади. Лекин бекат хабарнома тизимига уланмаган бўлса, у бекат учун поездлар билан ишлаш хабарномасини ишлаб бўлмайди. Юқорида кўрсатилган амалларни бекатларда «оператор СТЦ», «оператор при ДСП», ягона диспетчерлик марказида «оператор ДНЦ» бажаради. Бундан ташқари умумий текширувчи АТБ операторлари бошқа тизимларда бу жараёнларни амалга оширади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Автоматлаштирилган бошқариш тизими(АСУ) – бу объектнинг самарали ишлашини таъминлайдиган, бошқарув функцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш учун керак бўлган, автоматлаштириш ёки компьютер техникаси ёрдамида амалга ошириладиган одам-машина тизимидир. (Zverev V.I.,Kolyada A.S.(2002)).

Поездлар ҳаракати тўғрисидаги хабарлар (келиш, жўнаб кетиш, тўхтамасдан юриш) бекатлар учун тайёрланиш керак. Улар йўлнинг (ВЦ хизмат кўрсатадиган минтақанинг) ахборот хизмат поезд моделининг ҳудудий элементлари бўлиб, уни амалга ошириш пайтида компьютер хотирасида яратилган АСОУПдир. (Automated systems in traffic control).

“Электрон ўқитувчи” деб номланувчи хабарлар АСОУП таркибига кириб, унга ИВЦ ходимлари тузатишлар киритади. Бу АСОУПдаги тезкор жараёнлардаги ўзгаришларни ходимларни ўқитишда ва таништиришда хизмат қилади. (Domkin E.I., Xudoyberganov S.K. (2013)).

МУҲОКАМА

Кўп кўрсатмаларда ва методик қўлланмаларда асосан поездлар билан ишлаш, уларни тузиш, жўнатиш, қабул қилиш ва шу каби хабарлар кўрсатилади. Поездлар вагонлар ва уларнинг тўғри жойига қўйилишидан иборат. Ҳар битта вагон ортилганидан сўнг, то ундаги юк туширулгунга қадар бир нечта жараённи бажаради. Поездлар билан ишлаш каби вагонлар билан ҳам

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00219

ишлаш хабарномаси бўлиб, унда ортиш, тушириш, резервга олиш, резервдан ечиш, вагон ҳақида маълумотлар билан ишланади. Поездни шакллантириш учун аввалом бор вагонлар ҳолати ўрганилади. Лекин вагонлар қайси давлатларга қарашлигини билиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Вагонлар билан ишлашни хабарлар орқали маълумотларга қуйидагича киритилади:

1. **212**-телетайп бўйича сўров.

(:212 72357 7200:91 05:)// Чуқурсой бекатидаги 5 соат ичида ташкил топган ва келаётган поездлар.

(:212 72357 7235:5065:)// маълумот сўралаётган бекат учун бекатдаги бор МДХ давлатлари вагонларини чиқариш;

5065-МДХ вагонлари учун сўров.

(:212 72357 7235:1574 1:)// маълумот сўралаётган бекат учун, ўша бекатдаги резервда турган вагонларни вагон номерисиз олиш;

(:212 72357 7235:1574 1:)// маълумот сўралаётган бекат учун, ўша бекатдаги резервда турган вагонларни вагон номери билан олиш;

(:212 72357 7235 29:5065:)// маълумот сўралаётган бекат учун, ўша бекатдаги махаллий вагонлар паркини олиш;

29-махаллий вагон тартиб рақами бўлиб, Россия давлат вагонларини сўраш учун **20 ни** ёки Беларуссия давлат вагонларини сўраш учун **21 ни** қўйиб терса бўлади.

(:212 72357 7235:3208:)// маълумот сўралаётган бекат учун, ўша бекатдаги таъмир талаб вагонларни чиқариш.

2. **241**- ортиш.

(:241 72357 49 12 01 18 00 11:
01 87786489 1 370 66696 04202 9999 1111 000 2 042162
02 87769709 1 360 66696 04202 9999 1111 000 2 042162:)//

72357-ортиш иши бажарилган бекат;
49-ортиш учун тартиб рақами; ундан сўнг 50, 51, 52 ва х.к. бўлиб кетаверади.
12 01-кун ва ой;
18 00-ортиш хабарининг ўтган вақти;
11-қўшимча хабар;
01, 02- тартиб рақами;
87786489, 87769709- рефрежиратор вагони рақами;
1-киритилиш сони;
370, 360-ортиш тоннажи; бу ҳолда тоннада кўрсатилиб, битта ноль қўшилади.
66696-қайси бекатга ортилгани;
04202-юкнинг тартиб рақами;
9999- жўнатувчининг тартиб рақами;
1111- олувчининг тартиб рақами;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00219

000-юк ҳаракати давридаги умумий ҳолат;

2-пломбалар сони;

042162-рефрежиратор вагоннинг теплушкаси серия рақами, киритилиши шарт.

(:241 72357 50 13 01 18 00 11:

01 94410696 1 040 72000 00300 0012 9999 000 0' 00/01

02 94548752 1 230 72000 00300 0012 9999 000 2' 02/00:)//

94410696, 94548752-контейнер ортиладиган вагонлар рақами (фитинговый);

00300-контейнерлар учун киритиладиган юк рақами;

0012-юк жўнатувчи;

9999-юк олувчи;

00/01-битта контейнер ортилган ва у бўш;

02/00-иккита контейнер ортилган ва у юкланган.

3. **242**-тушириш.

(:242 72357 51 13 01 19 00 21:

01 94410696 00300 0012

02 67758786 25614 9999

03 24854692 23312 9999:)//

21-тушириш хабарида кўйилиши керак бўлган белги;

01,02,03-тартиб рақами;

94410696, 67758786, 24854692-вагон рақамлари;

00300, 25614, 23312-юкнинг тартиб рақами;

0012, 9999-олувчининг тартиб рақами.

Бу тушириш хабарида юкнинг тоннажи ва қайси бекатга келгани кўрсатилиши шарт эмас.

(:242 72357+72337 52 13 01 19 00 21:

01 94410696 00300 0012:)//

72357+72337-бу ерда хабарнома бошқа бир бекат учун ишлашни кўрсатади. Унга кўра у бекатлар АТМ орқали уланган бўлиши керак.

+72337-қайси бекат учун ишланаётгани кўрсатилади.

4. **2101**-ортиш ва тушириш учун тартиб рақамини билиш.(241 ва 242)

(:212 72357 7235: 2101 242:)//

(:212 72357 7235: 2101 241:)//

Тартиб рақамини тополмаган оператор СТЦ бу сўровнома орқали тартиб рақамини аниқлаши мумкин.

5. **1367**-вагоннинг картотекадаги маълумотларини билиш.

(:1367 72357 2610:

24456542:)//

24456542-вагон рақами.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00219

Бу сўровнома орқали вагонни умумий ҳолати ҳақида маълумот олиш мумкин. Уни таъмирлашга жўнатишми, пробеги ўтганми ёки юк ортиш мумкинлиги ҳақидаги маълумот келиб чиқади.

6. **2612**-вагонни 1-юк компаниясига қарашли ёки йўқлигини аниқлаш.

(:4618 2612:
24456542:)//

7. **2613**-вагон арендага олинганини билиш.

(:4618 2613:
24456542:)//

Аренда бўйича сўровлар 4618 орқали бошланади.

8. **1368**-вагон яроқлилигини билиш.

(:1367 72357 1368:
24456542:)//

9. **5380**- контейнер яроқлилигини билиш.

(:5380 72357 3500:
Контейнер ёки вагон рақами:)//

10. **1359**-резерв билан ишлаш.

(:1359 72357 51 19 01 10 000136:
24415624:)//

51-вагонни резервга олиш; яна резервга қўйиш учун ишлатиладиган хабарлар **54**-махсус эҳтиёжлар учун; **55**-бошка эҳтиёжлар учун; **56**-темир йўл резервига.

19 01-кун ва ой;
10-қанча соатга олиниши;
000136-киритилиш қўшимчаси;
24415624-вагон рақами.

(:1359 72357 61 19 01 10 000136:
24415624:)//

61-вагонни резервдан олиш. Яна резервга қўйиш учун ишлатиладиган хабарлар **64**-махсус эҳтиёжлардан олиш учун; **65**-бошқа эҳтиёжлардан олиш учун; **66**-темир йўл резервидан олиш учун.

11. **216**-аренда вагонларни билиш.

(:216 7230 66 7258:)//

7230 66 7258- шу поезд индексли таркибда аренда вагонлар борлигини билиш.

(:216 24565832:)// вагонни арендалигини билиш.

12. **217**-вагон излаш.

(:217 72357:1839 65898724:)//

72357-қайси бекатдан кидирилиши;
1839-сўровнома;
65898724-вагон рақами.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00219

НАТИЖА

Юқоридагиларни вақтида киритилмаса ёки амалга оширилмаса, поездлар туриб қолиши ва юк поездлар ҳаракати графигини диспетчер ҳаракат графиги режасидан чиқариб юбориши ҳам мумкин. Шунинг учун талабаларни ўқиш жараёнида поездлар ҳаракати хабарномаси, телетайп қурилма аппаратлари билан таништириш малакали кадрлар чиқаришдаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Ўқув жараёнларида бу хабарларни қўллашни ўргатиш поездлар ҳаракат вақтини ва вагонлар билан бўлаётган жараёнларни вақтида кўрсатиб туриш учун хизмат қилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, вагонлар билан ишлаш поездлар билан ишлаш каби муҳим аҳамият касб этади. Ҳар битта вагонни тўғри ортиш, уни ҳолатини текшириш ва бу борада бўлажак кадрлар ва битирувчиларни иш жараёнига тайёрлаб бориш ўз самарасини беради. Вагонлар билан ишлаш жараёнида резервга қўйиш ва чиқариш уларни бекатдаги туриб қолиш вақтларини камайтиради. Бу ҳолат самарадорлик ошишига таъсир кўрсатади.

REFERENCES

1. Zverev V.I., Kolyada A.S.(2002) ‘Autometered control systems in railway transport’, Available at: https://refdb.ru/look/1251882.html
2. Methods techniques ‘Automated systems in traffic control’. Available at:https://megapredmet.su/1-1823.html
3. Domkin E.I., Xudoyberganov S.K. Methods techniques (2013) ‘Guidelines for conducting practical and independent studies in the discipline of ASUZHT for bachelors of areas’ p. 40. Available at: https://uz.denemetr.com/docs/768/index-70312-1.html?page=2